O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT VILOYATI
O'RTA CHIRCHIQ TUMANI
HOKIMI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ЎРТА ЧИРЧИҚ ТУМАНИ
ҲОКИМИ

111500 Корасув к.ф.й Тошкент йули кучаси 53-уй. Тел.: 8-(37076)-23-300, факс 8-(37076)-23-300

Q A R O R
ҚАРОР

2019 йил 18 февраль **356 - сон** **Корасув м.ф.й**

Туман ҳудудидаги транспорт воситаларини 2019 йилда мажбурий техник кўригини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон 215-сон), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 17-модда)га асосан, туман ҳудудидаги транспорт воситаларининг мажбурий техник кўригини ташкил қилиш ва уни ўтказишни таъминлаш максадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ички ишлар бўлимининг йул ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси туман ҳудудидаги транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш ишларини ташкиллаштирсин.

2. Туманда транспорт воситалари куйидаги даврийликка мувофиқ техник кўрикдан ўтказилиши белгилансин:

а) тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар, троллейбуслар, трамвайлар ва ўтириладиган уриндиклар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалар - бир йилда икки марта;

б) ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чиқарилган йили ҳам шу жумлага киради) транспорт воситалари (мазкур бандниг "а" кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) - икки йилда бир марта;

в) ишлаб чиқарилган йилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари (мазкур бандниг "а" кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) - бир йилда бир марта;

г) тиркамалар кўрикка транспорт воситаси-шатакчи учун белгиланган муддатларда тақдим этилади.

ДЙҲХХ органларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб улардан фойдаланишнинг биринчи йили мобайнида транспорт воситалари техник кўрикдан ўтказилмайди (мазкур бандниг "а" кичик бандида кўрсатилганлардан ташқари).

3. Мазкур қарорнинг 2-банди "а" кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларининг техник кўриги:

биринчи марта - 1 мартдан 30 июнгача;

иккинчи марта - 1 сентябрдан 31 октябргача ўтказилади.

Юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 мартдан 30 июнга кадар ўтказилади.

Жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 январдан 31 августга қадар ўтказилади.

4. Корхона, ташкилот ва муассасалардаги автотранспорт воситаларини 2019 йилги техник кўригини ўтказиш бўйича комиссия таркиби 1-иловага мувофик тасдиқлансин.

5. Корхона, ташкилот ва муассасалардаги автотранспорт воситаларини 2019 йилги техник кўригини ўтказиш жадвали 2-иловага мувофик тасдиқлансин.

6. Туман ҳокимининг ўринбосари Н.Туляганов ва Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти Ўрта Чирчиқ туман вакилига:

2019 йил 1 февралга қадар йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш комиссиялари билан ҳамкорликда, юридик шахслар раҳбарларини жалб қилган ҳолда транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикка тайёрлаш ҳамда уни ўтказиш чора-тадбирларини ишлаб чиқсин ва амалга оширилиши устидан назорат ўрнатсин;

транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида туман ички ишлар бўлими-"йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси", мудофаа ишлари бўйича туман бўлими вакиллари ва юридик шахсларнинг муҳандис-техник ходимларидан иборат ишчи гуруҳлар тузсин;

Туман ички ишлар бўлими "йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси" билан биргаликда фаолияти тугатилган, мулкчилик шаклидан қатъий назар корхона ва ташкилотлар тасарруфида бўлган транспорт воситаларини, тиркамаларини, ярим тиркамаларини аниклаш ҳамда уларни белгиланган тартибда ҳисобдан чикариш чораларини кўрсин;

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 28 февралдаги 294-сонли "Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 9-сон, 64-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сонли "Ўзбекистон Республикасида автомобил транспортида йўловчилар ва багаж ташиш қоидаларини ҳамда автобусларда йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга доир тадбирларни тасдиклаш ҳақида"ги карорлари (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламлари, 2003 й., 21-сон, 204-модда) талаблари ижросини таъминлаш, йўловчиларга самарали транспорт хизмати ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тумандаги барча тижорат асосида йўловчи ташиш билан шуғулланувчи юридик шахслар тасарруфидаги ишлаб чиқарилган йили 10 йилдан ошган барча турдаги автобус ва кичик автобусларларнинг мажбурий кўриги Олмалиқ шаҳридаги 1-сонли диагностика тармоғида ўтказилишини ташкиллаштирилсин.

8. Туман ички ишлар бўлимининг тегишли хизматлари ходимлари жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда жисмоний ва юридик шахсларга карашли бўлган автомототранспорт воситаларини тўлиқ мажбурий техник кўрикдан ўтказилишини таъминласин.

9. Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш жавдалига асосан автобус ва кичик автобусларни мажбурий техник кўрикка тайёрлаш ва тақдим этиш юридик шахслар раҳбарлари ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилсин.

10. Ўрнатилган тартибда мажбурий техник кўрикдан ўтмаган автобус ва кичик автобуслардан фойдаланиш таъқиқлансин.

11. Мулкчилик шаклидан қатъий назар корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарлари мажбурий техник кўрик бошланишидан камида 10 кун олдин вилоят Йўл Ҳаракати Хавфсизлиги хизмати бошқармасининг туманлараро рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлинмасига (ТРИБ) мавжуд транспорт воситалари ҳақидаги маълумотларни таққослаш учун тақдим этилсин.

12. "Суғурта" компаниялари бўлимига, туман ички ишлар бўлими-"Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси" (Б.Б.Сидиков) билан ҳамкорликда мажбурий транспорт воситаси сугуртаси тўловларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундириш чораларини кўрсин.

13. Туман "Машъал" газетаси (Т. Хакимов)га:

транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг асосий гарови эканлигини тарғиб килиб бориш тавсия этилсин.

14. Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимининг 2018 йил 16 январдаги 43-сонли "2018 йилда туман ҳудудида транспорт воситаларини техник кўригини ташкил этиш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

15. Мазкур карор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирали.

16. Ушбу карор ижросини назорат килиш туман ҳокимининг ўринбосари Н. Туляганов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **О. Нурматов**

Ўрта Чирчиқ тумани хокимининг
2019 йил 18 февралдаги
356 - сон қарорига
1-илова

Ўрта Чирчиқ тумани хўжалик, корхона ва ташкилотларидаги автотранспорт воситаларини 2019 йилги техник кўригидан ўтказиш бўйича комиссия

Т А Р К И Б И:

Б.Б.Сидиков	Комиссия раиси, ТИИБ ЙХХБ бошлиғи

А Ъ З О Л А Р И:

1. А.Абсаламов	Туман Мудофаа ишлари бўлими бошлиги
2. А.Айнакулов	Туман 74-сонли автокорхона рахбари
3. И. Қодиров	Туман “Агросувурта” менеджери
4. Э. Қўшбосв	Табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси давлат нозири
5. Н.Рахмонов	Автомотохавоскорлар кўнгилли жамияти раиси

Ўрта Чирчиқ тумани хокимининг
2019 йил 18 февралдаги
356 - сон қарорига
2-илова

Ўрта Чирчиқ туман хўжалик, корхона ва ташкилотларда давлат автотранспорт воситаларини 2019 йилги техник кўрикдан ўтказиш

Ж А Д В А Л И

Т/р	Ташкилотлар номи	Т/р-сони	Техник кўрик куни	Ўтказила-диган вакти	Техник кўрикдан ўтказиш жойи
1	Шахзод Иброхим МЧЖ	3	02-03.19	09-00	ЙХХБ
2	Нисо Полиграф МЧЖ	5	04.03.19	09-00	ЙХХБ
3	Саркор Азкар МЧЖ	3	05.03.19	09-00	ЙХХБ
4	Мехиржон МЧЖ	1	05.03.19	09-00	ЙХХБ
5	Мадад Турон Сервис МЧЖ МТП	3-1	07.03.19	09-00	ЙХХБ
6	Сайдовул ф.х	2	07.03.19	14-00	ЙХХБ
7	124 –сонли махсус мактаб интернат	2	09.03.19	14-00	ЙХХБ
8	Абдурахмонов Иброхим агро ф.х	10-1	09.03.19	14-00	ЙХХБ
9	Барака Декор МЧЖ	5+4	10.03.19	09-00	ЙХХБ
10	Тошкент сув омбори	3	11.03.19	09-00	ЙХХБ
11	Уртачирчик паранда	20	12.03.19	09-00	Уртачирчик паранда
12	М-Ориф ХК	2	12.03.19	09-00	ЙХХБ
13	Бекетемир Чигит лиералаш МЧЖ	2	14.03.19	09-00	ЙХХБ
14	Велкоме Транс Сервис МЧЖ	2	18.03.19	09-00	ЙХХБ
15	Дилнура Лазиза фарм ХК	1	19.03.19	09-00	ЙХХБ
16	Омега Петрол ХФ	1	25.03.19	09-00	ЙХХБ
19	Виктоя Текистил МЧЖ	2	25.03.19	09-00	ЙХХБ
18	Эмис МЧЖ	5	26.03.19	09-00	ЙХХБ
19	Элбек Агро Саховат ФХ	1	28.03.19	09-00	ЙХХБ
20	ПМК 16	18+4	28.03.19	09-00	ЙХХБ
21	Йулдош угли Фарход Ф.х	1	02.04.19	14-00	ПМК 16
22	Авангард текстил Сервис МЧЖ	2	02.04.19	14-00	ЙХХБ
23	5-сонли автобаза	1	04.04.19	14-00	ЙХХБ
24	Роватак Фарм	1	04.04.19	14-00	ЙХХБ
25	Кучлик Нефти База	167	06.04.19	09-00	Нефти База
26	Юлдуз ЧП	27-1	08.04.19	09-00	Юлдуз ЧП
27	Ширин Бизнес Барака	1	09.04.19	09-00	ЙХХБ
28	Равшан МЧЖ	1	11.04.19	09-00	ЙХХБ
29	Узбекистон Ёшлар Итифоки	2	11.04.19	09-00	ЙХХБ
30	Уртачирчик Агросаноат ва Транспорт коллежи	2	13.04.19	09-00	ЙХХБ
31	Кутбиддин Сервис МЧЖ	3	15.04.19	09-00	ЙХХБ
32	Шахриёр Жахон Шахри ХК	4+1	18.04.19	09-00	ЙХХБ
33	Тошкентагрокимёхимя	15	20.04.19	09-00	Кимётранспорт
34	Туйтепа Транс	4	20.04.19	09-00	ЙХХБ
35	Мохим Бегим МЧЖ	1	22.04.19	09-00	ЙХХБ
36	Жохонгир Элита Сервис	3	23.04.19	09-00	ЙХХБ
37	Хикматилло Дента Сервис	3	25.04.19	09-00	ЙХХБ
38	Уртасарой Мих МЧЖ	1	27.04.19	09-00	ЙХХБ
39	Биллур Савдо Плюс	2	02.05.19	09-00	ЙХХБ
40	Сафо Макс Оил МЧЖ	7	04.05.19	09-00	ЙХХБ
41	Уртачирчик фермерлар кенгаши	1	06.05.19	14-00	ЙХХБ
42	Ихлоси Диёр	1	07.05.19	09-00	ЙХХБ

43	Бехруз Шохруз Агротех	2	09.05.19	09-00	ЙХХБ
44	Осиё Паранда Бизнес	3	11.05.19	09-00	ЙХХБ
45	Молия Булими	1	13.05.19	09-00	ЙХХБ
46	Мах Плюс Интернатионал МЧЖ	3	14.05.19	09-00	ЙХХБ
47	Ренесанс Микрокиридит	3	15.05.19	09-00	ЙХХБ
48	Тошкент Шароб Савдо	8-1	16.05.19	09-00	ЙХХБ
49	74 сонли автокорхона	10-6	21.05.19	09.00	ЙХХБ